

## Ўзбек шоирлари ҳақидаги библиографик манбалар ва электрон ресурслари



**Малика Матмуродова**

*Ўзбекистон давлат санъат ва маданият  
институтини  
катта ўқитувчиси*



Мумтоз адабиётимиз тарихига бир назар ташласак ёзувчи ва шоирлар, мутафаккирлар қаторида, шоирлар ҳам ижод этган ва бизга бебаҳо адабий мерос қолдирганлар.

Жумладан, тарихий манбалар – мажмуалар ва тазкираларда маданият ҳомийси бўлган машхур аёллар қаторида шоирлар ҳақида ҳам жуда муҳим маълумотлар берилган. Айнан: Саййид Муҳаммад Сиддиқ Баҳодирнинг “Шамъи анжуман”, Муҳаммад Зеҳнийнинг “Машоҳир ун-нисо”, Саййид Али Ҳасанхоннинг “Субҳи гулшан”, Муҳаммад Музҳар Ҳусайнийнинг “Рўзи равшан”, Лутф Али Озарнинг “Оташкада”, Шамсиддин Сомийнинг “Қомус ул-аълум”, Ризоиддин бинни Фахриддиннинг “Машхур хотунлар”, Мир Ҳусайндўст Санбаҳлийнинг “Тазкираи Ҳусайний”, Фахрий Ҳиравийнинг “Жавохир ул-ажойибот”, Тоҳир бинни Рифъатнинг “Туркларнинг улуш ва фунуна ҳикматлари”, Шерхон ибни Али Аҳмадхон Лудийнинг “Миръот ул-хаёл”, Ҳусайн Қулихон Азимободийнинг “Ништари ишқ”, Вожид Алининг “Матла ул-улум”, Муҳаммад Сиддиқ бинни Амир Музаффар Ҳашматнинг “Тазкират уш-шуаро” каби асарлари шулар жумласидандир.

Юқорида келтирилган манбаларда адабиётшунос М. Қодирова айтганидек, шоирлар ҳақида ҳақиқат билан бир қаторда афсоналар ҳам ўрин олган. Ушбу тазкираларда Робиа (X аср), Исмати ва Ойша Самарқандий (XI аср), Муниса

Маҳастий (XII аср), кошғарлик Мутриба (XIII аср), хоразмлик Подшо Хотун (XIV аср), Алишер Навоий замондошлари: Меҳрий, Ниҳоний, Бедилӣ, Мунажжима, Моҳий, Хунбойӣ, Оқабекка, Хайринисо, Иффатий, Жамила, Гавҳарбегим, Дилшод Хотун кабилар, Абдурахмон Жомийнинг “Нафоҳат ул-унс” асарида номлари қайд этилган 32 шоира, бобурийлар даврида яшаб ижод этган Гулбадан, Гулруҳ, Нуржаҳон, Зебуннисо, Вазирулнисо, Зайнатулнисо, Жаҳоноро, Бузургий, Салима (XVII аср) лар ҳаёти ва ижоди ҳақида маълумоттопиш мумкин.

Маданиятимиз тарихида салмоқли ўринга эга бўлган, унда навбатдаги юқорироқ босқични бошлаб берган даврлардан бири XIX аср, хусусан, унинг иккинчи ярми ўзбек адабиётидир. У, даврнинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётида рўй берган ўзгаришларни акс эттирганлиги учун ҳам аҳамиятлидир.

Бу даврда Махмур ва Ғозий, Хозиқ ва Гулҳаний, Огаҳий ва Комил Хоразмий, Муқимий ва Фурқат, Завқий ва Аваз каби забардаст шоирлар етишиб чиқдилар. Шу билан бирга XIX асрнинг биринчи ва иккинчи ярмида кўплаб хотин-қиз шоирлар ҳам яшаб ижод этдилар.

Шарқ адабиёти тарихини кўздан кечирар эканмиз, юқорида қайд қилингандек, X-XII, XIV-XVII асрларда ҳам қатор шоирлар яшаб ижод этганлигини кўрамиз, лекин улар адабиёт майдонида XIX асрдагидек катта бир гуруҳни ташкил этмаганлар.

XIX асрнинг биринчи ва иккинчи ярмида Нодира, Увайсий, Маҳзуналар, шунингдек, Дилшода, Қамбарнисо, Анбар отин, Самар Бону, Ҳақима, Мутриба, Муаззам, Муаттар, Нозима каби назм соҳибалари яшадилар ва жуда катта адабий мерос қолдирганлар. Улар тазкира ва мажмуалар, тарихий ва бадиий асарларда муносиб ўрин эгалладилар.

Жумладан, Дилшоднинг гувоҳлик беришича, XIX асрнинг иккинчи ярмида тузилган “Девон широн”



мажмуасида (бу тўплам бизга етиб келмаган) Мазлума, Умида, Хайринисо каби шоиралар ҳақида маълумот берилган бўлиб, уларнинг кўпчилиги назм эгалари қаторидан ўрин олганликлари эсланади. Бундан ташқари, Дилшод “Тарихи муҳожирон” асарини ўзбекча ва тожикча нусхаларида ўз қўлида таълим олган 1000 га яқин қизларнинг учдан бири таъби назм эгалари бўлганлигини баён этган. Жумладан, катта эътиборга эга бўлган Нодири, Увайсий, Маҳзуна, Анбар отиндан ташқари Фидоия, Баҳринисо, Ҳафиза отин, Тути қиз, Моҳинбону, Фазилатбону, Хайринисо, Мастураой, Кароматой, Саидабону каби Қўқон ва Ўратепада яшаган шоиралар ҳақида маълумотлар мавжуд.

Шунингдек, Иброҳим Даврон томонидан тузилган “Ашъори нисвон” (1916) мажмуасида ҳам 23 ўзбек шоираларининг шеърларидан намуналар келтирилган.

Муаллиф “Ашъори нисвон” мажмуасида шеърлари босилган шоираларнинг таржимаи ҳоллари ҳақида ҳеч қандай маълумотлар келтирилмаган. Фақат айрим шеърларнинг остида хижрий ҳисоб билан тарихи кўрсатилиб “Хўжанд” деб қўйилганки, шунга қараб бу шоиранинг қўқонлик эканини ёхуд шеърда ёзилгандек Қўқонда яшаганини тахмин қилиш мумкин.

Мажмуадаги шоираларнинг кўпчилигини ижоди тўлиғича маълум эмас, улар ҳақида биографик маълумотлар ҳам жуда қисқа.

Икки тилда ижод этган шоиралар меросини излаш ва уни тарғиб қилиш соҳасида тожик олимлари А.Мухторов, Тожи Усмон, Э.Шодиевларнинг ташаббуслари ҳам эътиборга лойиқдир. Тожи Усмон томонидан нашр этилган “Бисту се адиба” тўпламида Х асрдан бошлаб ўзбек ва форс-тожик тилларида ижод этган 23 шоиранинг шеърларидан намуналар, уларнинг ҳаёти ҳақида маълумотлар берилган.

XX асрнинг 50-йиллари охирида ўзбек шоиралари ижоди билан атрофлича танишишда Т.Жалоловнинг “Ўзбек шоиралари” (1959) мажмуаси ҳам катта аҳамиятга эгадир. Ушбу мажмуада “Ашъори нисвон” тўпламидаги 23 та шоира ва Зебуннисо бегим, унинг шогирдлари Нуржаҳон, Салима бегим, Зебуннисонинг мулозими – Маҳфийлар ҳақида ҳам маълумотлар берилган. Булардан ташқари Увайсий, Нодири (Мохлар ойим), Маҳзуна, Муаззамхон, Нозима хоним, Хоразм халифалари Хоним сувчи, Шукур, Оллақули қизи, Ожиза (Анабиби Отажонова), Самар Бону каби шоиралар, жами 36 та шоиралар ҳақида маълумот берилган. Шоиралар хронологик тартибда жойлаштирилган. Манбада ҳар бир шоиранинг олдин расми, ҳаёти ва фаолияти,

шеърларидан эса намуналар берилган.

Т.Жалоловнинг ушбу мажмуаси “Ўзбек шоиралари” Биринчи китобининг иккинчи наشري (1970) қайта нашр этилган. Ушбу нашр, олдинги нашрлардан бироз фарқ қилади. Жумладан: янги топилган материаллар, яъни унда Хоразм халифалари Ожиза ва Хоним сувчининг таржимаи ҳоллари, Ожизанинг янги топилган шеърлари киритилган. Мажмуадаги манбалар хронологик тартибда жойлаштирилган ва мажмуанинг охирида 33 номда фойдаланилган адабиётларнинг рўйхати ҳам берилган.

1977 йилда Т.Жалоловнинг “Қизлар қасидаси” (“Ўзбек шоиралари” нинг иккинчи китоби) нашр этилади. Ушбу рисолада уч бўлимда шоиралар ҳаёти ва фаолияти, шеърларидан намуналар берилган.

Рисоланинг биринчи бўлимида Зулфия, Х.Тиллахонова, О.Собирова, Музайяна Алавия, Маҳбуба Раҳим қизи, Р.Узоқова, Кибриёхоним, С.Зуннунова, Г.Нуруллаева, Ойдин, Г.Жўраева, Х.Худойбердиева, Х.Қорабоева, Э.Охунова, Нилуфар каби шоираларнинг ҳаёт ва фаолияти ўзига хос мавзу танланиб, шу мавзу асосида ҳар бир шоира ҳақида кенг маълумот берилган.

“Ҳунчалар табассуми” бўлимида 30 та шоира







ҳақида маълумот берилган. Жумладан, М.Тўрабоева, Х.Бобомуродова, У.Отаева, М.Муродова, Ш.Салимова, Б.Тўрабоева ва бошқалар. Шоираларнинг туғилган йили, таҳсил олган даргоҳи, касби, тўпламларини нашри, шеърларидан тўртлик яъни тўрт қатор намуналар айримларининг ҳикояларидан намуналар келтирилган.

“Қизалоқлар” ижодидан намуналар бўлимида 3 та мактаб ўқувчисининг ижодидан намуналар берилган. Рисоланинг 115-117 саҳифаларида фойдаланилган китобларининг рўйхати берилган. Ҳар бир шоира алоҳида берилган бўлиб, кейин шу шоира китобларининг сарлавҳаси берилган. Жумладан, 21 та шоиранинг 63 та китобининг сарлавҳаси келтирилган. Аммо бу берилган китобларнинг нашриёти, чиқиши ҳақидаги маълумоти ва бетлари кўрсатилмаган.

Хулоса қилиб айтганда, XX асрнинг 20 йилларидан кейинги ижод этган ва этаётган 48 та қаламқаш шоиралар ҳақида маълумотлар берилган.

1980 йилда Т.Жалоловнинг “Ўзбек шоиралари” мажмуаси марҳум адибамиз Ойдин Собирова хотирасига бағишлаб қайта чоп этилган. Ушбу мажмуа икки китобдан иборат бўлиб, биринчи китоб ўзбек мумтоз адабиёти шоиралари ҳаёти ва ижодига бағишланган, унда 36 шоира ҳақида маълумот берилган. Иккинчи китоб “Қизлар қасидаси”нинг энг яхши боблари танлаб киритилган. Муаллифнинг ушбу мажмуасида жами 50 та шоира ҳақида

маълумот берилган.

XX аср ўзбек шеърятининг йирик вакилларида бири Ўзбекистон халқ шоираси Зулфияга бағишлаб 1977 йилда биобиблиография тузилган. Бу кўрсаткич 1931-1975 йилларда нашр қилинган адабиётлар рўйхати киритилган бўлиб, унда шоиранинг ўзбек, рус, қардош халқар ва хорижий тилларда нашр этилган китоблар, журнал ва газеталарда, тўпламларда босилган 1386 та ҳужжат киритилган.

Кўрсаткич 5 та йирик бўлимдан иборат бўлиб, биринчи бўлимда Зулфия асарларининг алоҳида нашрлари, газета, журнал ва тўпламларда босилган асарлари дастлаб поэзия, проза, публицистика, драматургия, таржималари, қардош халқлар ва хорижий тиллардан таржима қилган асарлари, сўз боши ёзган ва таҳрир қилган ўзбек ҳамда рус тилидаги манбалар берилган.

Иккинчи бўлимда Зулфия асарларининг рус тилидаги алоҳида нашрлари ва вақтли матбуот саҳифаларида чоп этилган асарлари берилган. Учинчи ва тўртинчи бўлимларда қардош халқлар ва хорижий тилларда нашр этилган асарлари берилган.

Бешинчи бўлимда эса Зулфиянинг ҳаёти ва ижоди тўғрисидаги ўзбек, рус ва қардош халқлар тилларида чоп этилган ҳужжат берилган. Барча бўлимларда материаллар хронологик тартибда жойлаштирилган.

1999 йилда М.Доутова томонидан тайёрланган “Ўзбек шоиралари” (XIX-XX аср бошлари): услубий тавсияномада Маҳзуна, Увайсий, Нодири, Дилшод-Барно, Муаззамхон, Самар Бону, Анбар отин ҳаёти ва ижоди ҳақида кутубхоналарда ўтказилиши мумкин бўлган тадбирлар туркуми ва адабиётлар рўйхатлари ҳам берилган. Жумладан, Анбар отиннинг 8 та, у ҳақидаги 17 манба, Дилшод-Барнонинг 5 та, у ҳақидаги 4 та, Маҳзунанинг 7 та, у ҳақидаги 4 та, Муаззамхоннинг 2 та, у ҳақида 2 та, Нодиранинг 7 та, у ҳақида 3 та, Самар-Бонунинг 1 та, у ҳақида 3 та, Увайсийнинг 6 та, у ҳақида 16 та адибларнинг рўйхати берилган.

“Шеърят қуёши” (2000) Зулфия таваллудининг 85 йиллиги муносабати билан тузилган услубий-библиография тавсияномада, шоиранинг ҳаёти ва ижоди тўғрисида маълумотлар берилган. Шоиранинг ижоди ҳақида кутубхоналарда китобхонлар билан ўтказиладиган тадбирларни туркумлари берилган. Шунингдек, шоиранинг 38 та асари ва у ҳақидаги 42 та, 22 та таржима қилган асарларининг рўйхати берилган.

Ўзбекистон Президенти И.А.Каримовнинг 1999 йил 10 июндаги “Зулфия” номидаги Давлат мукофотини таъсис этиш бўйича таклифларни қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги Фармони”да

адибанинг кўп йиллик меҳнати адабиёт, санъат, фан ва маданият соҳасидаги хизматлари эътиборга олинди. Бу мукофот адабиёт, маданият, санъат, фан-таълим соҳаларидаги истиқлол ғоялари ва ютуқларини амалга ошириш йўлида астойдил меҳнат қилаётган иқтидорли қизларни тақдирлаш учун берилади.

Зулфия номидаги Давлат мукофоти Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг вилоятларига биттадан жами 14 та берилади. Жумладан, 2000 йилда “Зулфиянинг қизлари” Давлат мукофоти совриндорлари ижодидан тўплам нашр этилган. Ушбу тўпламда Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари ижодидан намуналар берилган.

Жумладан, дастлаб исми, таърифи, туғилган йили, таҳсил олаётган муассасаси чоп этилган рисоалари ва асарларидан намуналар берилган. 12 та совриндор ҳақида маълумот берилган. Масалан: Гулҳаё Эргашеванинг “Президентимизга атаб”, “Ўзбекистон”, “Ватаним”, “Акамга”, “Олма”, “Бир кундек”, “Менинг дадам”, “Олмалар”, “Онам”, “Шаҳрисабзим” ва бошқа шеърлари берилган. Шунингдек, 2003 йилда нашр этилган “Зулфия қизлари” Давлат мукофоти совриндорлари ижодидан берилган шеърлар, ҳикоялар тўпламида 14 та Зулфия Давлат мукофоти номзодларининг ҳаёти, ижоди ва асарларидан намуналар берилган.

2006 йилда “Ойдиннинг ойдин йўли” Ойдин (Манзура Собирова)нинг таваллудининг 100 йиллиги муносабати билан методик-библиографик қўлланмаси нашр этилган. Унда асосан Ойдиннинг ва у ҳақидаги адабиётларнинг библиографияси берилган. Жумладан, Ойдиннинг қаламига мансуб 15 та, у ҳақида 15 та манбалар берилган.

Шоирлар асарларининг рўйхати берилган китоб ичи библиографик манбалари ҳам мавжуд.

Жумладан, Л.Қаюмовнинг “Шоира Зулфия: ҳаёти ва ижоди ҳақида очерк” (1965) асарида 42-номда, М.Қодированинг “Нодира” (ҳаёти ва ижоди) (1965) асарида 53-номда, Л.Қаюмовнинг “Зулфия” Адабий портрети (1975) китобида 63-номда, Х.Ҳасанованинг “Аёл қалбининг куйчиси” (1975) рисоласида 109-номда адабиётлар рўйхати берилган.

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг “Илмий ва маркетинг тадқиқот” бўлими ходимлари томонидан кейинги йилларда бир қатор тўлиқ матнли маълумотлар базалари яратилди. Маълумотлар базалари интеграллашган ахборот-кутубхона тизими (ИРБИС) базаси асосида яратилди.

Жумладан, шоира Зулфия таваллудининг 95 йиллиги муносабати билан яратилган тўлиқ матнли

маълумотлар базаси яратилган.

Тўлиқ матнли маълумотлар базаси Ўзбекистон халқ шоираси Зулфиянинг уч жилдлик “Асарлари” асосида яратилган. Биринчи жилдга шоиранинг 1931-1974 йилларда ёзилган шеърлари киритилган. Иккинчи жилд “Мушоира” деб номланган ва унга шоиранинг шеърлари, дostonлари, либретто ҳамда таржималари киритилган. Асарнинг учинчи жилдига “Камалак” номи берилган бўлиб унга хотиралар, очерклар, суҳбатлар ва таржималар киритилган.

Маълумотлар базасига киритилган ҳужжатлар характериға қараб қуйидаги гуруҳларға бўлинган. Жумладан, проза, мақолалар, нутқлар ва суҳбатлар, таржималар, ҳаёти ва ижоди, юбилейлар, хотирасига очерк, поэзия, лирика ва бошқалар.

Маълумотлар базасига ҳозирги кунга қадар 450 дан ортиқ библиографик ёзув киритилган. ИРБИС тизимининг электрон каталогига киритилган маълумотлардан библиографик тавсифнинг барча элементлари бўйича қидиришни амалга ошириш мумкин. Зулфиянинг ҳар бир “Асари” яхлит китоб сифатида ва айна пайтда ҳар бир шеърини алоҳида кўриб чиқиш мумкин. Бундан ташқари тизимнинг электрон каталогига Республика матбуотида Зулфия тўғрисида эълон қилинган мақолалар тўғрисидаги библиографик ахборотлар ҳам киритилган.

Республикада қатор ёзувчи, шоир, адабиётшунос олимларимизга бағишлаб библиографиялар тузилган. Бироқ шоирларимиз, адабиётшунос олимларимиз ҳақида тузилган библиографиялар санокли сонларини ташкил қилади.

Жумладан, қатор асарлар яратиб ўзбек адабиётига ўзларининг муносиб ҳиссасини қўшаётган шоирларимиз, адабиётшунос олимларимизга бағишлаб библиографик кўрсаткичлар тузиш, кутубхона каталог ва картотекаларини бойитиб бориш, ҳамда электрон каталог ва электрон шаклларини тайёрлаш каби ишлар библиографларнинг вазифалари эканлигини унутмаслик керак.

